

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2018 йил
5 декабрь
ЧОРШАНБА

№ 97 (13150)

www.thtp.uz

НУРАФШОНГА БОРСАНГИЗ АГАР...



Кўп қаватли уйлар, турли ташкилот ва муассасаларнинг идоралари, хуллас, жараён, иш "қайнапти"...

Тошкент йўли қўчаси бўйлаб юрсангиз, "Қишлоқ қурилиш банки"нинг вилоят минтақавий филиали биноси қурилиши устидан чиқасиз. Бизни иш бошқарувчи

Санжар Қодиров қаршилади.

Бинони пишиқ гишт ва бетондан қураётимиз, — дейди у. — Қурилиш ишлари "Muhandis plyus loyiha" масъулияти чекланган жамиятининг 40 нафар қурувчилари томонидан амалга оширилмоқда. Етти қават қилиб қурилиши режалаштирилган бинонинг

ҳозирда учинчи қаватидаги ишларни бажармоқдамиз. Насиб қилса, қурилишни келгуси йилда якунлашни мўлжаллаётимиз. Янги бино бунёд бўлишига Ўбайдулла Абдуллаев, Зиёвуддин Мамаюсов, Шоҳрух Норбоев, Алишер Мамаюсов сингари қурувчилар муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Юқоридан: "Чапроқ, чапроқ. Бўлди, туширавер..." деган овозлар эшитилди. Тепага қарасак, кран бошқарувчисига гапиришга ётган экан.

Иморат баланд бўлгани учун асосий ишлар кран ёрдамида бажарилаёпти, юқорига пешма-пеш темир, гишт, бетон

Бугун навқирон

Бунёдкорлик

Нурафшон шаҳри улкан ўзгаришлар, катта қурилишлар майдонига айланган. Шаҳарга ҳоҳ Ўрта Чирчиқ томондан, ҳоҳ Пискенту Оҳангарон томондан келинг, барибир бунёдкорликлар устидан чиқаверасиз.



қоришмаси етказилмоқда. "SANY" русумли крандан тушаётган Азиз Қаҳҳоровни суҳбатга тортдик:

— Ишимни яхши кўраман, бир неча йилдан бери кран бошқараман, — дейди у. — Биз қураётган замонавий, кўркам биноларда юртдошларимиз хурсанд бўлиб ишлашларини ўйласам, касбимдан фахрланиб кетаман.

Қурилиш майдонидан қайтаётиб, бинонинг лойиҳасига кўзимиз тушди. Жуда кўркам, ҳашамдор. Нурафшонга узукка қўйилган гавҳардек ярашади.

Отбек ИСРОИЛОВ
Бекзод ШАҲОБУДДИНОВ
олган сурат

МЕҲРДАН МУНАВВАР ДИЛЛАР

Нурафшон шаҳридаги "Дўстлик" маросимлар уйида Халқаро ногиронлар кунига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Фамхўрлик

Вилоят ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш бошқармаси, "Ижтимоий ҳимоя" жамияти, Маданият бошқармаси ҳамда "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда вилоятнинг "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси, Ка-



саба уюшмалари федерацияси кенгаши, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққан вилоят ҳокими Ғуломжон Ибрагимов маълуматимизда аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш, бу жараёнда алоҳида эътиборга муҳтож инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Ҳаракатлар стратегияси асосида амалга оширилаётган ислохотлар инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати ва манфаатларини муҳофаза қилишни янада кучайтириб, ҳар бир фуқаронинг тўлақонли ҳаёт кечиришига хизмат қилмоқда.

Жумладан, вилоятимизда ташкил этилаётган оммавий-маданий ва хайрия тадбирларида эътиборга муҳтож фуқаролар тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитация қилиниб, бу борада давлат органлари, нодавлат но-тижорат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланиб бормоқда.

Давоми 2-бетда

Шарҳ

Мустақиллик йилларида юртимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида кўлга киририлган энг юксак марралардан бири — бу, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллиги яъни, ўзини-ўзи дон билан таъминлашга эришганлигидир.

ҒАЛЛА МУСТАҚИЛЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, фермерлар манфаатдорлиги ва масъулиятини ошириш йўлидаги муҳим қадам

Кўпчилик яхши билади, истиқлолнинг дастлабки йилларида суғориладиган ерларда ғалладан ўртача атиги 22-23 центнер ҳосил олинарди. Кейинчалик, юқори сифатли уруғлик тайёрлаш, янги агротехнологияларнинг илғор усулларини қўллаш ҳамда фермер хўжалиқларини рағбатлантириш механизмлари жорий этилиши натижасида ҳосилдорлик аксарият майдонларда 2-3 баробарга ошди. Ҳозирги кунда илғор фермер хўжалиқлари ғалладан ўртача 80-90 центнердан ҳосил олишмоқда.

Аммо, қишлоқ хўжалигининг мазкур муҳим тармоғидаги мавжуд ҳолат таҳлили яратилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётганини, ўз ечимини кутаётган

жиддий муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Жумладан, бошқоқли дон экинлари экиш учун ерларнинг сифатсиз тайерланиши, агротехника қоидаларига риоя қилмаслик, айниқса, экин-тикин ишларининг кечиктириб юборилиши, талаб қилинган моддий-техника ресурслари ўз вақтида етказиб берилмаслиги оқибатида қуттилган ҳосил олинмаяпти.

Жойлардаги масъуллар ва фермерлар томонидан бошқоқли дон ҳосили етиштиришда контрактация шартномаси мажбуриятларини бажаришга биринчи даражали масала сифатида қаралиб, ҳосилдорликни ошириш ва қўшимча даромад олиш чоралари кўрилмаёпти.

Давоми 3-бетда

ЯНГИ ПОЛИКЛИНИКА ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Қуйи Чирчиқ туманида Гул қишлоқ оилавий поликлиникасининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Яхши хабар



Оилавий поликлиника кунига 150 нафар беморни тиббий кўриқдан ўтказиш ва даволаш имкониятига эга. Бу ерда 5 нафар олий тоифали шифокор ҳамда 18 нафар тиббиёт ҳамшираси меҳнат қилади.

— Муассасамиз томонидан ҳудуддаги "Ўжакент",

"Қўрғонча", "Юлдуз", "Қиз она" маҳаллаларида истиқомат қилувчи 9 минг нафардан ортиқ аҳолига бирламчи тиббий хизмат кўрсатилади, — дейди қишлоқ оилавий поликлиникаси катта ҳамшираси Шокира Асраева. — Поли-клиниканинг барча бўлимлари замонавий ру-

сумдаги ЭКГ, ПЦС ва бошқа тиббий ускуналар билан жиҳозланган. Эндикда аҳолининг клиник таҳлиллар топшириш, малакали тиббий ёрдам олиш учун туман марказий шифохонасига боришига ҳолат қолмади. Бу муолажаларнинг барчаси шу ернинг ўзи-

да амалга оширилади.

Шунингдек, оилавий поликлиника "Дамас" русумли хизмат автомашинаси, 9 та патронаж ҳамширалари учун тиббиёт жамланмаси, 2 та велосипед ҳамда мебеллар билан ҳам таъминланди.

Юлдузхон
МУҲИДДИНОВА

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси жаҳондаги давлатларнинг асосий қонуни шакллантириш борасидаги илғор тажрибалари билан миллий тийнатишимиздаги қадриятларни уйғунлаштириш асосида қабул қилинган. Айнан шу жиҳати билан у алоҳида ажралиб туради. Бунинг биргина масала — фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари қай даражада акс эттирилгани таҳлилида ҳам қўриш мумкин.

ФУҚАРОНИНГ СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ Бош қомусимизда қай даражада акс эттирилган?

Фуқароларнинг барча ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлари Конституцияда белгиланган бўлиб, шахсий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий турларга бўлинади.

Сиёсий маъно-мазмунга эга бўлган ҳуқуқлар фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг "Муқаддима"сидаёқ "Ўзбекистон халқи: инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб..." дея мазкур Конституцияни қабул қилинган алоҳида қайд этилган. Ўз-ўзидан аёнки, ана ўша инсон ҳуқуқла-

рининг бир қисми — сиёсий табиатга эга.

Асосий қонунимизнинг 2-моддасида: "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади", — дейилган. Айнан "Халқ иродаси" тушунчасига бево-сита фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари ҳам қиради.

Конституциямиз жами 6 бўлим, 26 боб, 128 моддадан ташкил топган. Иккинчи бўлим махсус "Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари" деб номланади. Шу бўлим таркибига қирадиган V бобда "Умумий қоидалар" берилган. VI боб "Фуқаролик" деб

номланади. Унда фуқаролик ҳуқуқи айнан нималарни ўз ичига олиши аниқлаштирилган. Кейинги, яъни VII — IX бобларда фуқаро ҳуқуқлари учга бўлиб талқин этилади: "Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар" боби 24-31-моддаларни, "Сиёсий ҳуқуқлар" боби 32-35-моддаларни "Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар" боби 36-42-моддаларни ўз ичига олади.

Қўриниб турибдики, тилимиздаги "фуқаро ҳуқуқи" тушунчаси билан "фуқаролик ҳуқуқи" тушунчаси бир нарсани англатмайди. Биринчиси — катта тушунча, у иккинчисини ҳам ўз ичига қамраб олади.

Албатта, фуқароликда ҳам, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларда ҳам, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларда ҳам сиёсий ҳуқуқларга у ёки бу даражада боғлиқлик бор. Бирок, сиёсий ҳуқуқлар — алоҳида масала.

Фуқароларнинг қонунларда кўзда тутилган равишда ўз ижтимоий фаоллигини намойиш этишидан кўзланган асл мақсади амалда давлат ва халқ манфаатларига хизмат қилиши лозим.

Сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланишнинг яна бир имконияти 34-моддада белги-лаб берилган:

"Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қасаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч қим қамситиши мумкин эмас".

Давоми 2-бетда

Ўзибўларчилик

ЕР ҲАЙДАСАНГ — КУЗ ҲАЙДА...

Аммо, қиш келди.
Нега айримлар кузги
шудгорни асосиз
чўзишмоқда?

3



Шу модда моҳиятини тушуниб олиш учун бир муҳим жиҳатни алоҳида қайд этиб ўтиш зарур. Ўзбекистон Республикаси Президенти тарафидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Ўзбекистон Республикасининг "Давлат бошқаруви янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги конституциявий қонуни ҳамда шунга мувофиқ тарзда Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддага, 93-модданинг 15-бандига, 102-модданинг иккинчи қисмига) тузатишлар ки-

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиши шарт". Кейинги, яъни X боб "Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари" деб номланади. Ундаги моддаларда давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда белгиланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаши кафолатланади. Демак, давлат фуқаронинг сиёсий ҳуқуқларини таъминлаши ҳам буйнига олади. Сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланмаслик кўпинча бефарқлик, лоқайдлик, бетарафликка олиб келади. Бефарқлик, лоқайдлик, бетарафлик эса – ёмон иллат.

ФУҚАРОНИНГ СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ

Бош қомусимизда қай даражада акс эттирилган?

ритиш тўғрисида"ги қонуни лойиҳалари киритилди. Матбуотда, радио ва телевидениеда, жамоа йиғилишларида ана шу икки ҳужжат лойиҳаси кенг муҳокама этилиб, таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Олий Мажлис бу таклиф ва мулоҳазаларни ўрганиб чиқди, лойиҳаларни янада пишиштириб жараёнида улардан фойдаланган ҳолда ана шу қонунларни қабул қилди. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелида қабул қилинган қонуни асосида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлар киритилди.

Конституциявий қонунда парламентда муҳолифат партиясини фракциясини тузиш мумкинлиги ҳам кўзда тутилган. Олдинги қонунчилигимизда фракция аъзоси ёки раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикерининг ўринбосари этиб сайланса, фракциядан чиқар эди. Янги қонунда эса унинг фракциядан чиқмаслиги кўзда тутилган. Қонунчилигимизда амалга оширилган ана шу ўзгаришлар моҳиятида ҳам фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини кенгайтириш ётади.

35-моддада сиёсий ҳуқуқдан фойдаланишнинг яна бир кўриниши қайд этилган:
"Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Султонмурод ОЛИМ,
филология фанлари
номзоди

ҲЕЧ КИМ ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш орқали соғлом авлоднинг шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишлар сезиларли самаралар бермаётгани сир эмас.

Дикқат, патронаж ойлиги

2018 йил 9 ноябрь кунини Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектордаги танқидий мулоҳазаларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тизимда олиб борилаётган ислохотлар жараёнида тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, амбулатор-поликлиника муассасалари томонидан аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий санитария ёрдами сифатини такомиллаштириш, жумладан, оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш борасида жойларда тадбирларни йўлга қўйиш механизми ишлаб чиқилиб, 3 босқичда ўтказилмоқда. Ушбу вазибаларни амалга ошириш мақсадида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг тегишли бўйруғи имзоланди ва штаб иш бошлади. Патронаж хизмати сифатини янада яхшилаш борасида соғлиқни сақлашнинг барча босқичларидаги муассасаларда тизимли тадбирларни йўлга қўйиш механизми босқичма-босқич ўтказилиб, унга кўра, 1-босқич – 1-4 декабрда ўтказилди: I гуруҳ – соғлом фуқаролар; II гуруҳ – мақсадли патронажга муҳтож контингент; III гуруҳ:

К. Тўлаганова,
Соғлиқни сақлашни ташкил
этиш илмий-тадқиқот институти
вилоят бўлини маси директори


ЯНГИЙЎЛЛИКЛАР ШАЙХОНТОҲУРДА

Вилоятимизнинг Янгийўл тумани ва шаҳри фаоллари ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан тажриба алмашиш мақсадида пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманига ташриф буюрдилар.

Ҳамкорлик

Меҳмонлар тумандаги 84-ва 34-умумтаълим мактабларида олиб борилаётган таълим-тарбия жараёнлари

билан танишдилар. "Кўча дарвоза" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 186-умумтаълим мактабиди



ҳалланнинг ижтимоий-маънавий муҳитини яхшилаш, ўсиб келаётган ёш авлодга яратилаётган имкониятлар мавзусидаги муҳокамада иштирок этдилар. "Шо-файзи" маҳалла фуқаролар йиғини идорасида бўлиб, йиғин қошидаги комиссиялар ишини ўргандилар. – Пойтахтнинг бу туманига ташриф буюрган янгийўллик ижтимоий соҳа вакиллари, маҳаллалар раҳбарлари ва фаоллар

шайхонтоҳурликларнинг бир қатор намунали ишлари гувоҳи бўлди, – дейди Янгийўл тумани ҳокимининг Ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Ўткирбек Рашидов. – Мактаблар синфхоналарида берилаётган таълим, тўғрақлардаги машғулотларни бевосита кузатдик. Гуруҳи-маънавий аъзоларида, айниқса, педагоглар, маҳаллалар

фаоллари ва Шайх Зайниддин жоме масжиди имом-хатиби Хусниддин Абдукаримов иштирокидаги ёшлар тарбияси билан боғлиқ мунозараларга бой муҳокама катта таассурот қолдирди. Бу тадбирни ташкил этган мезбон – Шайхонтоҳур тумани ҳокимлигидан жуда миннатдоримиз.

Ўз мухбири
Мансур ҲИММАТОВ
олган суратлар

МЕҲРДАН МУНАВВАР ДИЛЛАР

Айни вақтда вилоятда 46 минг 500 нафардан зиёд ногиронлиги бўлган шахслар рўйхатга олинган бўлиб, жорий йил бошидан буён уларни ижтимоий муҳофаза қилишда муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, бюджет маблағлари ҳисобидан ва ҳолий ҳамда ҳамкор ташкилотлар ёрдамида 533 дона аравача, 88 та эшитиш аппарати, 288 дона ҳасса, 148 жуфт кўлтиқтаёқ кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга етказиб берилди. Шунингдек, 700 нафардан зиёд муҳтожлар протез-ортопедия мосламалари билан таъминланди.

Бошланғич 1-бета



рилли. Эътиборлиси, бу кўрсаткичлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча салмоқлидир. Тадбир давомида ташкилотчилар шахар ва туманлардаги алоҳида эҳтиёжманд кишилар ҳамда ногиронлиги бўлган шахслардан 105 нафарига аравача, 15 нафарига 137 миллион 500 минг сўм қийматдаги моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 46 нафар шахсга эшитиш мосламалари, 50 жуфт кўлтиқтаёқ ва ҳасса топширилди. – Қизим 17 ёшда, – дейди Ўрта чирчиқлик Зулфия Уринова. – Уни сайрга олиб чиқиш учун аравача керак эди. Бугун қизимга

аравача беришди. Бундай эътибордан кўнглим тоғдек кўтарилди. Ташкилотчиларга раҳмат.

– Ўғлим Беҳруз юрак етишмовчилиги билан тузилган, – дейди нурафшонлик Мафтуна Амилжоновна. – Ҳозир у тўрт ёшда. Шу пайтгача кўлимиздан келганича даволатиб келаётгандик. Лекин, энди юрагига мослама қўйиш зарурати туғилди. Моддий жиҳатдан анча қийналиб қолганимиз сабабли, операцияга етарли маблағ топа олмаётгандик. Вилоят ҳокимлигига ёрдам сўраб мурожаат қилгандик, 7 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Бу ғамхўрликдан ўғлимни соғайиб кетишига ишончим янада орди. Шу хайрли ишларнинг бошида турганларга катта раҳмат айтмоқчиман.

Тадбирда санъат усталари ва ёш ихрочилар томонидан концерт намоиши этилди.

Абдусалим МАҲМУДОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири
Равшан МИРЗАКУЛОВ
олган суратлар

ЭЪТИБОР БИР КҮНЛИК ЭМАС

Худди шундай хайрия тадбири Юқори Чирчиқ туманида ҳам ташкил этилди. Унда ХДП туман кенгаши, "Фаол аёллар" ва "Истиқбол" ёшлар қанотлари ҳамда қасаба уюшмаси ташаббуси билан ногиронлиги бор шахсларга ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилди.

"Меҳр улашинг" ойлик акцияси доирасида бўлиб ўтган тадбирда мутасаддилар уйма-уй юриб, имконияти чекланганлар ҳолидан хабар олишди. Уларга ногиронлик аравачалари, протезлар, эҳтиёжманд оилаларга эса, моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, асосий эътибор мана шундай шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш, бандлигини таъминлашдаги бир талай муаммоларнинг амалий ечимини топишга қаратилди.

– Албатта, ҳар бир инсон меҳрга талпини, – дейди қасаба уюшмаси туман кенгаши раиси Нурмуҳаммад

Рўзमतов. – Бир оғиз ширин сўз, бир чимдим меҳр кимни ўлдирибди, дейсиз. Шукрки, мамлакатимизда эҳтиёжманд, имконияти чекланган инсонларга давлатимиз томонидан ғамхўрлик қилинмоқда. Бундай тадбирларда уларга қўшилиб биз ҳам қувонамиз.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2017 йил 1 августда қабул қилинган "Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойишига кўра, кексалар, пенсионерлар, ногиронлар ва имконияти чекланган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкил

этиш тизими яратилди. Шу билан бирга аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

– Давлатимизнинг бизларга қаратаётган эътибори чексиз, – дейди Абдумухтор Абдуразақов. – Уйда ўтиришни ўзимга эп кўрмайман. Шунинг учун узоқ йиллар Янгибозор маданият уйида ишладим. "Излаш" адабий тўғраги аъзоси эдим. Тўшақка михланиб қолгач, кўчага ҳам чиқолмай қолдим. Аммо, нолимайман. Мана, бугун ҳам йўқлаб келиб, аравача ҳадя қилишди. Жуда хурсанд бўлдим.

Хайрия тадбири давомида ўн нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиниб, беминнат ёрдам кўрсатилди.

Латифжон МАНСУРОВ

ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИ-даги 11-ихтисослаштирилган ёрдамчи мактабда Халқаро ногиронлар кўни муносабати билан ўтказилган тадбирда Республика ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Махсус авария-тиклаш бошқармаси, ҳарбийлар ва мактаб ўқувчилари иштирок этишди.

Тадбирда мутасадди ташкилот раҳбарлари имконияти чекланган ўқувчи-ёшларни табриклашди. Уларга тушунлиққа тушмасдан, ҳаётда фақат олға интилишларини, келгусида катта марраларни эгаллаб, юртимиз равақига ҳисса қўйишлари мумкинлигини, бу борада давлатимиз томонидан барча имконият ва шароитлар яратиб берилаётганини таъкидлашди.

Тадбир доирасида эстафета мусобақасига даст берилиди.

Қизгин тус олган беллашувда ҳарбийлар, ўқитувчилар ва ўқувчилар ўзроқ куч синашишди. Жамоалар спортнинг югуриш, турникда тортилиш, узунликка сакраш, футбол ва волейбол турлари бўйича баҳслашишди. Имкониятлари чекланган бўлишига қарамай, ўқувчи-ёшлар ҳарбий аскарлар билан тенгма-тенг курашишди. Бу эса, уларни руҳлантириб юборди.

Шунингдек, Махсус авария-тиклаш бошқармасининг "Импульс" ансамбли аъзолари ажойиб чиқишлари, сахна кўриниши, чиройли ракс ва қўшиқлари билан ўқувчилар қалбига илиқлик бағишлашди.

Тадбир сўнгига ёшлар учун байрам дастурхони ёзилди.

Н. МУСЛИМОВА

Огоҳлик

Дойимий огоҳлантиришлар, тинимсиз тушунтириш ишлари олиб борилаётганига қарамай, фуқароларнинг лоқайдлиги сабабли турли даражадаги ёнгинлар содир бўлиб, катта моддий ва маънавий зарар етказяётгани ачинарли, албатта.

Шу йилнинг 10 ойи мобайнида вилоятимизда 1 минг 117 та ёнгин содир бўлди. Шундан 610 таси фуқаролар хонадонларида рўй берди. Ёнгинлар оқибатида 13 нафар фуқаро ҳалок бўлди, 42 нафар киши эса турли хил танжароҳати олди.

Ёнгинларнинг 121 таси печ ва газ қурилмалари, 242 таси электр мосламаларининг носоғлиги ёки улардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши, 528 таси оловдан

ҚИШ ФАЛОКАТЛИ ЭМАС, ҲАЛОВАТЛИ ЎТСИН

эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, 130 таси болаларни назоратсиз қолдириш, 96 таси бошқа сабаблар оқибатида содир бўлган.

Оққўрғон тумани Ёнгин хавфсизлиги бўлини маси томонидан ҳам иситиш печлари, газ ва газ асбоб-ускуналаридан чиқиши мумкин бўлган ёнгинларнинг олдини олиш мақсадида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Масалан, фуқаро Р. Бўриев уйда иситиш печи, мўринининг носоғлиги ва нотўғри қурилиши, И. Пирмухаммадовникида эса ёш болаларнинг олов билан ўйнаши, Д.

Зайдиев молхонасида оловдан нотўғри фойдаланиш оқибатида, Б. Мелиқўзиев, К. Жўрабоевнинг уйларида эса электр ускуналаридаги камчиликлар ёнгинни келтириб чиқарган.

Қиш энди бошланди. Мавсумда иситиш мосламаларига эҳтиёж яна ортади. Шундай экан, юқоридаги каби ноҳай ҳолатлар бўлмаслиги учун ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан санатор корхоналари, ўқув юртлари, мактаб, боғча ва аҳоли тураржойларида тарғибот-ташвиқот ишлари қучайтирилмоқда, фуқаролар билан учрашувлар, суҳбатлар

уюштирилиб, радио, телевидение ва газеталар орқали тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Юртимиз ва халқимиз бойлигини, қўлаверса, инсон ҳаётини ёнгиндан асраш ҳаммамизнинг ишимиз. Бунинг учун ёнгин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилиб, зарур чора-тадбирларни ўз вақтида бажариш, ёнгин назорати ходимлари томонидан аниқланган барча камчиликларни бартараф этиш лозим.

Ҳикматилла
МУРОДҚОСИМОВ,
Оққўрғон тумани
ЁХБ катта инспектори

2019
йил учун
Тошкент
Ҳақиқати
газетасига
обуна
давом этмоқда!

Қолаверса, юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликларини рағбатлантириш, ҳосилдорлик кўрсаткичи паст бўлган фермер хўжалиқларига нисбатан эса кескин чоралар кўриш тартиби ишлаб чиқилмагани суғориладиган унумдор ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигининг пасайишига сабаб бўлмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган "Бошоқли дон етиштиришни янада рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори соҳа рағбатига тўғроқ бўлаётган ушбу муаммоларни бартараф этиш ва уни сифат жиҳатидан янада ривожлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Қарорда давлат хариди учун бошоқли дон етиштириш бўйича амалдаги тартибдан мулклар фарқ қиладиган янги тизим ва механизмлар жорий этилиши назарда тутилгани унинг тарихий аҳамияти касб этишидан далолат беради.

Хусусан, унга кўра, 2019 йил ҳосили учун суғориладиган ва лалми майдонларга экилган бошоқли дон экинлари ялпи ҳосилининг прогноз ҳажмлари тасдиқланиб, суғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан 40 центнердан кам ҳосил олиш "ерга нисбатан ҳиёнат" деб баҳолашни ва ер ижара шартномасини бекор қилишга бўлган чоралар кўрилиши белгиланди.

Яна бир аниқлик – 2019 йилдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни параметрларига суғориладиган ерларда бошоқли дон етиштирувчи фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига ягона ер солиғини ҳисоблашда солиқ ставкаларига ҳосилдорликка қараб коэфффициентлар қўллаш тартиби киритилганидир.

Яъни, гектаридан ўртача 30 центнер ва ундан паст ҳосил олинганда 2 баробар, ҳосилдорлик 31 центнердан 40 центнергача бўлганда эса 1,5 баробар кўпайтирувчи коэфффициентлар қўлланади. Мазкур тартиб қўллаш етиштирувчиларни олтинга тенг бўлган суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш имконини беради.

Бошланиш 1-бетда

ниш, маҳсулот етиштириш ҳажмларини кўпайтириш борасидаги масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, шу чоқгача давлат харидидан ортиқча етиштирилган бошоқли дон маҳсулотининг аниқ ҳисоби юритилмас, бу эса республика ялпи дон ҳажми ва аҳолини ушбу турдаги маҳсулотлар билан таъминлаш даражасини реал баҳолаш имконини бермас

гига қараб, давлат хариди учун етказиб берилган қўшма харид нархи-га 25 фоизгача устама ёки чегирма қўлланилади.

Бунда, **харид нархига бошоқли дон ҳосилдорлиги ҳар гектаридан 41 центнердан 50 центнергача бўлганда – 10 фоиз (120 минг сўм), 51 центнердан 60 центнергача бўлганда – 20 фоиз (240 минг сўм),**

кўпайтириш, пировардида юқори даромад олиш имконини яратди.

Яна бир муҳим жиҳат, мазкур қарорда олдиндан билиш, оқилона чоралар билан олдини олишнинг иложи бўлмаган фавқулодда ҳусуиятга эга ҳодисалар (қурғоқчилик, табиат ҳодисалари ва бошқа форс-мажор ҳолатлар) оқибатида бошоқли дон экинларидан қўтилган ҳосил олинмаган тақдирда ҳамда ушбу

ижросини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Бошоқли дон етиштириш ва ўриб-йиғиб олиш билан боғлиқ агротехника юмушларининг ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши, молиявий ва моддий-техника ресурсларини тўлиқ ҳажмда ва кечиктирилмай етказиб берилиши, якуний ҳисоб-китоблар 2019 йил

ўғитлар ҳажми ва уларнинг нархини белгилаш, хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қилган ҳолда, давлат хариди учун етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суғурталаш тизимини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқилиши назарда тутилди.

Ўз навбатида, вилоятимиз миришкорлари бу тарихий қарорни катта мамнуният билан қарши олганларини ҳам таъкидлашни истардиқ. Бунга жавобан, вилоятимизда ушбу қарор ижросини таъминлаш ва етиштирилаётган бошоқли дон экинлари ҳосилдорлигини ва фермерлар даромадини ошириш учун бугундан бошлаб зарур агротехник тадбирларни оби-тобида ўтказишимиз керак. Дала ва ариқ четларини ҳашарот ҳамда касалликлар тарқалтириш, қишлоқдаги ҳас ва бошқа бегона ўтлардан тозалаш, қишлоқ майдонларини азотли ўғитлар билан озиклантиришни яқунлаш, пешма-пеш маҳаллий ўғитлар билан шарбат усулида суғоришга зўр беришимиз керак.

Халқимизнинг олижаноб бир фазилати бор. Кўпнинг манфаати учун қилинадиган ишлар одатда, кўпнинг кучи билан, ҳашар ёрдамида бажарилади. Бу орқали ҳар қандай мураккаб ва муаммоли юмушнинг ҳақиқатан ҳам осон ҳал этиш мумкин. Катта Фаргона канали 45 кунда ҳашар билан қурилганини ҳам яхши биламиз. Шундай экан, жойларда ички ариқларни тозалаш, ўғит чиқариш, зарур агротехник тадбирларда маҳалла ахли, мутасадди ташкилот ва идоралар вакиллари фермерларимизнинг яқин кўмакчиси бўлишларига ишонамиз.

"Нон хурмати" деган гап бор. Ҳеч шубҳасиз, кўпнинг ёрдами, кучи билан халқимиз риқзи, дастурхонимиз кўрקי бўлган азиз ва лазиз неъмат хурмати учун, халқимиз фаровонлиги учун бу ишларга ҳиммат камарини боғлаб, бош қўиш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Аваз БОЛТАБОВЕВ,

вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи

ҒАЛЛА МУСТАҚИЛЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ,

фермерлар манфаатдорлиги ва масъулиятини ошириш йўлидаги муҳим қадам

эди. Шу маънода, қарорда қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан етиштирилган ялпи ғалла ҳосили ҳисобини юритиш тартибини тасдиқлаш масаласи ҳам эътибордан четда қолмагани диққатга сазовор.

Ҳақиқатан ҳам, вилоятда етиштирилаётган бошоқли дон ҳосилининг фермер хўжаликлари ихтиёрида қолаётган қисмининг аниқ ҳисоб-китоби юритилмасди. Шартномавий режани бажариб, ўзига қолган ғаллани тўғри сақлаш, қайта ишлаш учун донни бегона ўтлар уруғларидан сифатли тозалаш ва дон маҳсулотларини сотишда фермер хўжаликлари олдида қатор қийинчиликлар мавжуд эди.

Қарорга мувофиқ, эндиликда соҳада яна кўплаб туб ўзгаришлар рўй беради. **Хусусан, етиштирилаётган бугдойнинг ҳар бир тоннаси учун кафолатланган давлат харидининг ўртача нархи 1 миллион 200 минг сўм ёки жорий йилдаги нисбатан 1,6 баробар юқори даражада белгиланди, бу эса табиийки, маҳсулот етиштирувчиларнинг молиявий барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади.**

Давлат хариди учун етиштирилган маҳсулотларни табақалаштирилган нархларда, яъни устама ва чегирмалар қўллаган ҳолда сотиб олиш тартиби жорий қилинади. Бошқача қилиб айтганда, етиштирилган бошоқли дон ҳосилдорли-

61 центнер ва ундан юқори бўлганда – 25 фоиз (300 минг сўм) устама қўшилади.

Аксинча, давлат хариди нархлари ҳосилдорлик 30 центнер ва ундан кам бўлганда – 25 фоиз (300 минг сўм), 31 центнердан 40 центнергача бўлганда – 15 фоиз (180 минг сўм) чегирма билан ҳисоб-китоб қилинади.

Мазкур тартибнинг қўлланилиши деҳқон ва фермерларнинг ҳосилдорлигини ошириб боришга бўлган интилишини кучайтириш, моддий жиҳатдан рағбатлантиришда асосий омил бўлиб хизмат қилади.


Ғалла етиштириш харажатларини молиялаштириш тизимини ҳам такомиллаштириш назарда тутилган. Агар амалдаги тартибга кўра, имтиёзли кредит давлат хариди учун етказиб бериладиган бошоқли дон қийматининг 60 фоизгача ажратилиб келинган бўлса, янги тартибда 100 фоизгача (тайёрлов корхонаси томонидан бўнак тариқасида етказиб берилган уруғлик қийматини инobatга олган ҳолда) берилади.

Молиялаштириш тизимидаги ушбу ўзгариш фермер хўжаликлариининг айланма маблағ тақчиллигига барҳам бериш билан бирга, улар томонидан ресурс ва хизматлар учун тўловларни олдиндан амалга ошириш, агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш, ғалла етиштириш ҳажмини

ҳолатлар қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича ҳудудий комиссия томонидан тасдиқланганда, давлат хариди учун етказиб берилган дон харид нархида ҳисоб-китоб қилиниши белгиланди. Ваҳоланки, шу пайтга қадар маҳсулот етиштирувчилар турли табиий офатлардан етарли даражада ҳимояланмаган эди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг табиий-иклим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, суғориладиган майдонларда 2019 йил ҳосили учун экилган кузги бошоқли дон экинларини парваришlash бўйича агротехника тадбирларини амалга ошириш юзасидан "йўл хариталари" қабул қилинди.

Бошоқли дон етиштиришда агротехника тадбирларини ўз вақтида, сифатли ўтказиш ва кафолатланган ҳосил олишни тизимли ташкил этиш бўйича эса Республика Ишчи гуруҳларининг таркиби тасдиқланди. Улар зиммасига "йўл хариталари"дан келиб чиқиб, ҳар бир фермер хўжалиги томонидан амалга оширилаётган агротехника тадбирлари режасини алоҳида ёзма равишда тайёрлаб етказиш ва унинг



1 сентябрга қадар тўлиқ амалга оширилиши, мазкур йўналишдаги ишлар бўйича тизимли назорат ўрнатилиши юзасидан тегишли мутасаддиларнинг шахсий жавобгарлиги белгиланган бўлиши.

Бундан ташқари, ички бозорда бугдой, ун ва нон маҳсулотлари нархлари кескин ошиб кетишининг олдини олиш, нарх барқарорлигини таъминлаш ҳамда бугдойни қайта ишлаш соҳасида рақобатни кучайтириш, давлат хариди учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда зарур бўлган минерал

Мухтасар қилиб айтганда, юқорида тилга олинган қарорнинг изчил ижроси ғаллачиликда ер майдонларидан самарали фойдаланиш ва юқори ҳосилдорликка эришиш, фермер хўжаликлари масъулиятини ҳамда уларнинг моддий манфаатдорлигини янада ошириш тизимини жорий қилиш имконини беради.

Аваз БОЛТАБОВЕВ,

вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи

Деҳқон борки, кузги шудгорнинг афзалликларини яхши билади. Айни куз ҳайдовидега ўсимлик қолдиқлари, маҳаллий ва минерал ўғитлар тупроқнинг чуқур қатламга яхши қўмилиши, зараркунанда ҳашаротлар қирилиб битиши ер билан тиллашишни истасан кишининг биринчи сабоғи бўлади.

Кузги ҳайдовни ер музлагунча تامомлаш керак. Бу ернинг ўз вақтида "дам олиш"ни таъминлаб, юқори ҳосилдорлик гарови бўлади.

Лекин, катта аҳамиятга эга бўлган мавсумий тадбирни вақтида ўтказишга жиддий қарамаётган туманлар ҳам учраб турибди. "Бўлса бўлар, бўлмаса говлаб кетар" қабилида иш тутиш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган.

– Жорий йилнинг 3 декабрь кунги маълумотларга кўра, вилоятимизнинг айрим ҳудудларида кузги шудгорлаш ишлари тўлиқ якунига етказилмаган, – дейди вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бўлими бошлиғи Саидкарим Тулепов. – Қуйи

дайд сусткашликка йўл қўйилганига техника етишмовчилиги сабаб бўлмагани бизга тақдир этилган маълумотлардан ҳам кўриниб турибди. Шудгордан олдин қирилган минерал ўғитлар тўлиқ берилган бўлишига қарама-қарсисан, ўз вақтида отни қамчиламаганига ҳайрон қолдик.

Бугун мамлакатимизда шиддат билан олиб борилаётган туб ислохотлар жойлардаги раҳбарлардан фаоллик, жонқуярлик талаб этади. Зиммасидаги масъулиятга бепарволик, лоқайдликни айни вақтда ерга ҳиёнат деб баҳолаш мумкин. Киш эшиқ қоқиб келган бир паллада туман ҳудудининг қарийб тенг ярмида ҳайдов ишлари якунига етказилмаганини, очиги,

рини ёрдамга қақариш масалаларида сусткашликка йўл қўйилган.

Кузги шудгорлаш ишларида қолоқ туманлардан яна бири – Бўка. Туманда 12 минг 126 гектар ер бўлиб, мавсум бошидан буён 6 минг 801 гектар дала майдонларида ҳайдов ишлари олиб бориладиган ҳолос. 3 декабрь ҳолатига кўра, 5 минг 325 гектар қоқиб келган бир паллада туман ҳудудининг қарийб тенг ярмида ҳайдов ишлари якунига етказилмаганини, очиги,

Кизик, бўкалик мутасаддилар қаерга қарашапти? Айни вақтда улар нима билан банд? Балки, улар "Ер ҳайдасанг киш ҳайда", деган янги мақол ўйлаб топишгандир? Очиги, мутасаддилар, айниқса, туман сектор раҳбарларининг бундай ҳаёлларга боришига ишончимиз қомил эмас. Бундай киноя билан ўз-ўзимизга савол беришимизнинг сабаби бор.

Айтайлик, ернинг маълум бир қисми ўрта ва оғир қумоқли механик таркибга

мони ўзидан соқит қилиб қўйган И. Жўраниёзовнинг "топқир"лигига қойил қола-сан, киши. Бу ҳолат қачонга-ча давом этиши, қутилаётган муаммони нега олдиндан кўра билмагани ҳақидаги саволларимизга у киши: "Терговни қўйинг, ёқилги топиб беринг, беш кунда қолган барча ер майдонларини ҳайдаб тугатамиз", деб жавоб берди. "Ҳозиржавоб"ликни қаранг!

Боринги, туманда шудгорланмай қолган 6 минг гектар ер беш кунда ҳайдаланди бўлса, жами 12 минг гектар ер майдонини талаб даражасида, белгиланган меъерларда шудгорлаш учун 10 кун кифоя қилади, тўғри-ми? Бундан чиқди, туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари анча-мунча уйдабурон ёки афсунгар бўлиб чиқмайдими?

Кузги шудгорлаш мавсумига тайёргарлик кўриш дегани

мани ўзидан соқит қилиб қўйган И. Жўраниёзовнинг "топқир"лигига қойил қола-сан, киши. Бу ҳолат қачонга-ча давом этиши, қутилаётган муаммони нега олдиндан кўра билмагани ҳақидаги саволларимизга у киши: "Терговни қўйинг, ёқилги топиб беринг, беш кунда қолган барча ер майдонларини ҳайдаб тугатамиз", деб жавоб берди. "Ҳозиржавоб"ликни қаранг!

Боринги, туманда шудгорланмай қолган 6 минг гектар ер беш кунда ҳайдаланди бўлса, жами 12 минг гектар ер майдонини талаб даражасида, белгиланган меъерларда шудгорлаш учун 10 кун кифоя қилади, тўғри-ми? Бундан чиқди, туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари анча-мунча уйдабурон ёки афсунгар бўлиб чиқмайдими?

Кузги шудгорлаш мавсумига тайёргарлик кўриш дегани

жалиги соҳасида сочи оқарган олимланинг тасдиқла-шича, кузги шудгор қилин-ган далалар тупроғида ҳаёт эртароқ бошланади. Баҳорда ердан тафт кетиши билан-ноқ нафас олади. Тупроқ озу-қаси ўсимлик ўзлаштира ола-диган шаклга ўтиб, мўътадил-лашади.

Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси томонидан олинган маълумотларга кўра, кузги ҳайдов тадбирлари 25 октябрдан 27 ноябргача бел-гиланган. Айни шу паллада Бўка туманида ҳам келгуси йил ҳосили учун кузги шуд-горлаш тадбирларини ўткази-ш ва йўл қўйилган қамчи-ликларни бартараф этиш ва вужудга келган муаммоларни жойида ҳал қилиш борасида фавқулодда чора-тадбирлар олиб борилмаётганга ўхшай-ди. Йўқса, Исмоил Жўраниё-зовдан "Ёқилги йўқку", деган баҳонани эмас, балки; "Куз-ги ҳайдовни тугатдикку", маз-мундаги хушхабарни эшит-ган бўлар эдик...

Аник маълумотларга кўра, мавсум тадбири бошидан 3 декабрь кунига қадар Октябр-гонда 11 минг 331 гектардан 8 минг 581 гектар, Ўрта Чир-чиқ туманида 8 минг 389 гек-тардан 7 минг 703 гектар, Чинозда 6 минг 201 гектардан 2 минг 906 гектар май-дон шудгор қилинган, ҳолос. Янгийўлда эса, атиги 144 гектар ер шудгорланмай қол-ган.

Мақоламиз аввалида, маз-кур туманлардаги жами 16 минг 716 гектар дала майдон-лари шудгорланмай тургани ҳақидаги маълумотларни кел-тириб ўтдик. Шунча ер шуд-горланмай қолиб кетса, қанча ҳосилини йўқотиш мумкинли-гини тахририб деҳқон дар-ров фаҳмлайди. Катта йўқо-тишларга сабаб бўладиган сусткашлик эл-юртимиз дас-турхони тўкин-сочин бўлиши-га қарши чиқиш билан ба-робар, десак ҳам бўлади.

Сўзимиз якунида ушбу туманлар мутасаддиларига бир саволни беришни истардик. Кузги шудгорлашни ўлда-вади олиб борилиши ҳосил баракасини учириб, даро-мадни пасайтириб юборса, эртага эл-юрт олдида қан-дай жавоб берасиз?

Шу саволлар ортидаги ҳаётий ҳақиқатлар ўз вақтида чу-қур аниқлаб етилганда эди, вилоятимизда мавсумнинг энг муҳим тадбири аллақачон ўз ниятисига етказилган бўларди. Афсуски, вақт ўтиб борапти...

Абдусалим МАХМУДОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

КЎЧМАС МУЛК ЎЗ ЭГАСИНИ ТОПАЯПТИ

Ўз меҳнатинг билан уй қуриб, унда ашасангу, аммо унингнинг эгаси бўлмасанг, жуда қийин экан. Бекобод шаҳрида яшовчи Сурайё Нурматова ҳам шундай ҳолатга тушганлардан эди. Унинг мулкка эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатни йўқ эди. Бу ҳужжатни расмийлаштириш учун у кўп сарсон бўлди.

Қулайлик

Президентимизнинг 2018 йил 20 апрелдаги "Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган тураржойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ, Бекобод шаҳар давлат хизматлари маркази томонидан Сурайё Нурматовани мулк эгалиги расмийлаштириб берилди.

– Яшаётган уйимнинг ҳақиқий эгаси эканлигим ҳақида ҳужжат олиш учун идорама-идора юришдан чарчаб, охири бу ишнинг ҳал бўлишига ишонмай қўйган эдим, – дейди С. Нурматова. – Давлат хизматлари маркази ходимларининг ёрдами билан узоқ йиллардан бери битмаган ишим, бир неча кунда ҳал этилди. Бунинг учун Юртбошимиздан жуда миннатдорман. Мазкур акция доирасида Бекобод шаҳри бўйича шу кунгача жами 204 нафар аҳоли ариза билан муножият қилди. Аризалар комиссия томонидан ўрганилиб, 113 таси ўрнатилган тартибга мувофиқ, деб топилиб ва уларнинг 45 тасига ҳоким қарори чиқарилди.

Убайдулла МИРЗАЕВ,
Бекобод шаҳар Давлат хизматлари маркази директори

Хусусий эълонлар

Инағомов Муса (марҳум) номига берилган Бўстонлик тумани, Қўшқўрғон қишлоғи, У. Жиянов кўчаси, 20-уйга тегишли бўлган уй дафтраи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўрта Чирчиқ тумани 31-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2004 йил 24 июнда Қуватбаева Юлдуз Беркиновна номига берилган № 1709183-сонли (рўйхат рақами 8) шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ЕР ҲАЙДАСАНГ – КУЗ ҲАЙДА...

Аммо, киш келди. Нега айримлар кузги шудгорни асоссиз чўзишмоқда?

Чирчиқ, Бўка, Янгийўл, Пискент, Чиноз, Октяброн, Ўрта Чирчиқ туманларида мавсум тадбирлари ўз вақтида якунланмади. Рақамларга мурожаат қилсак, мазкур туманлардаги жами 16 минг 716 гектар дала майдонларида шудгорлаш ишлари олиб борилмади. Бу нима дегани? Биринчидан, вақтида шудгор қилинмаган майдонларда ҳосилдорлик паст бўлади. Фермернинг даромадидан барака қолади. Яхши ниятлар билан эккан уруғи униб чиққунча тавишви қўлаяди. Хали у касаллик, хали бу касаллик билан курашавериш, тинкаси қуриб, етиштирган экинидан қўзланган ҳосилини ололмай, қарзга ботиб қолиши ҳеч гап эмас.

Қўлимиздаги маълумотларга кўра, бу борада энг қолоқ туман Қуйи Чирчиқ бўлиб чиқди. Амалда 8 минг 450 гектар ер майдони ўрнига мавсум бошидан то 3 декабргача бор-йўғи 4 минг 156 гектар майдонда ҳайдов ишлари олиб борилган. Бун-

рамай, туманда 4 минг 294 гектар майдонга қўл урилмаган.

– Туманимиз ер майдонлари бошқа ҳудудларга қараганда захаш ҳисобланади, – дейди туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Абдуназар Паттаев. – Шу боис, кузги ёгингарчилик даврида дала майдонларида намлигининг кетиши кўпроқ вақтни олади. Мавжуд техникалар бундай вазиятда ишни бажаролмайди. Айни кунда об-ҳаво маълумотларини диққат билан кузатиб бораёямиз. Ўн беш кун давомидега ёгингарчилик кузатиш тумандан бўлиб, ҳудуднинг шарт-шароитларини аввалдан билар экан. Лекин, шун-

қандай тушунишни билмай қолдик.

Балки туманнинг сектор раҳбарлари "Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдасанг юз ҳайда" мақолининг замирида юқори ҳосилдорлик етишини яхши англашмаса керак. Йўқ, аслида улар билишади. Билгандаям аник, яъни кузги шудгорлаш тудайи, кўп йиллик бегона ўтлар 50-60 фоизгача қамариб, тупроқ структураси яхшиланиб, дондор бўлиши ҳамда сув ўтказувчанлиги мақбул ҳолатга келишини ёддан айтиб беришади.

Хўш, агар шундай бўлса нега туман шудгорлаш ишларида бунчалар қоқоқ? Муаммонинг туб илдизлари шундаки, туманда шудгорлаш ишларида аввал бошидан пухта тайёргарлик қўрилмаган. Шу билан биргаликда, дуч келинган айрим муаммолар ечимига муқобил чора-тадбирлар фавқулодда ишлаб чиқилмаган. Шудгорлаш ишларини якунлаган туманлар билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатиб, улардан кузги ҳайдовдан бўшаган техникала-

эга. Бу майдонларга экилган чигитнинг униб чиқиши су-сади. Ўза эса ернинг қатқалоқ бўлиб қолишдан қучли зарарланади. Шунинг учун бу каби майдонларда илдири чирши касаллиги кучаяди. Ўсимлик нимжон бўлиб, яхши ривожлана олмайди. Қўсаклар кечроқ очилади ёки пахта ҳосили кеч етилади. Бундай тупроқ шароитида айнан кузги шудгор қатқалоқ зарарини қамайтира олади. Бўкада тахририб фермеру деҳқонлар кўплигини эшитганмиз, кўрганмиз. Шу боис, деҳқончиликда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган кузги шудгорлаш ишлари нега пайрида солинаётганини билиш учун туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари билан боғландик.

– Ҳа, кузги шудгорлаш ишларида анча орқада қолди, – тан олди Исмоил Жўраниёзов. – Бунинг ўзига яраша сабаблари бор. Айни вақтда ёқилги йўқлиги учун техникаларимиз бўш турибди.

Икки оғиз гап билан муам-

Бошланиш 1-бетда

Боқий мерос

Ўзбекистон "Миллий тиклаш" демократик партияси вилоят кенгаши, вилоят ҳокимлиги, халқ таълими бошқармаси, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази вилоят бўлими ҳамкорлигида "Дурмон" маданият саройида "Навоий ворислари" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.



Тадбир иштирокчилари ва томошабинларнинг чехрасида шодлик ифодалари зоҳир эди. Бунинг сабаби, шеърят мулкнинг султони Алишер Навоий ижодида бўлган чексиз меҳр-муҳаббат туйғулари жўш урган ёшларнинг ғазал ўқишдаги маҳорати, ёрқин чиқишлари бўлди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Одилжон Тожиёв ёшларимизнинг маънавий камолотида китобнинг ўрни ҳақида сўзлар экан, Навоийнинг бой ижодий меросини ўрганиш мумтоз адабиётни тушунишда катта аҳамиятга эга экани, ўз навбатида, бунга давлат миқёсидаги муҳим масала сифатида алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Қувонарлиси, "Навоий ворислари" танловида иштирок этаётган ёшлар йилдан-йилга кўпаймоқда. Бу йилги танловнинг ҳудудий босқичларида 4 минг 700 нафар 12 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўқувчи иштирок этди. Унинг вилоят босқичида эса 22

НАВОИЙНИ АНГЛАШ — ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ДЕМАҚДИР



нафар сараланган ғазалхон ёшлар қатнашишди.

Жумладан, Нурафшон шаҳридаги 57-умумтаълим мактабининг 3-синф ўқувчиси Умида Йўлдошева буюк шоирнинг машҳур "Ўн саккиз ёшнинг қисси" радиопиёда-лини маромига етказиб ёд ўқиганида томошабинлар узоқ олқишладилар.

Танловда иштирокчилар энг кўп ғазал ёд олиш, беҳа-

то ва ифодали ўқиш, матннинг насрий баёни (ёзма шарҳи) ва тушуниш қийин бўлган сўзларни изоҳлаш бўйича ўз билимларини намойиш этишди.

Алишер Навоийнинг маънавий мероси туганмас хазина, неча асрдирки, инсонлар қалбига эзгулик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва саводат зиёсини таратиб келмоқда, — дейди "Миллий тикла-

ниш" демократик партияси вилоят кенгаши раиси Маҳмуд Назаров. — Мазкур кўрик-танлов буюк мутафаккир аждодимизнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, асарлари мазмун-моҳиятини ёш авлод онгу шурига чуқур сингдириш, бу борада фаол она тили ва адабиёт фани ўқитувчиларини рағбатлантиришга қаратилган билан аҳамиятлидир.

Ҳазрат ғазалларини бери-

либ ўқиган Юқори Чирчиқ туманидаги, 33-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Шукрулло Зикриёевнинг маҳорати ҳакамлар ҳайъати томонидан алоҳида эътироф этилди.

Танлов шартлари кўрсатилган 50 та ўрнига 70 та ғазални ёд олиб, дафтарига ҳам чиройли қилиб ёзиб келган Шукрулло биринчи ўринга лойиқ деб топилди ва танловнинг республика босқичига йўлланмани кўлга киритди.

Пискентдаги 1-умумтаълим мактабининг 10-синф ўқувчиси Мадина Толипова эса 50 та ғазал ёдлаб, 30 тасини дафтарига ёзиб келган, шунингдек, ғазалларни ифодали ўқиди ва иккинчи ўринни эгаллади. Чиноз туманидаги 36-умумтаълим мактаби ўқувчиси Мадина Дурменбоева учинчи ўринга сазовор бўлди.

Шунингдек, танлов шартлари бўйича энг кўп ғазал ёд олган Мухлиса Абдурауфова (Олмалик шаҳри), ғазални беҳато ва ифодали ўқиган Шаҳризода Эркинова (Чирчиқ шаҳри), ғазал матнининг насрий баёнини тузган Зилола Холтўраева (Қибрай тумани), ғазал матнидаги тушуниш қийин бўлган сўзларни изоҳлаб бера олган Лобар Жумаевалар (Тошкент тумани) ҳам алоҳида номинациялар болиби сифатида эътироф этилдилар.

Яқунда танлов ғолиблари ҳамда иштирокчилар диплом ва қимматбаҳо совғалар, китоблар билан тақдирландилар.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Мансур НАХАЛОВ
олган суратлар

Моҳият

● Ҳақиқатдан қўрққан одам ёлғоннинг панасига беркинади.

● Дўстни хўрлаш — гуноҳ. Умр йўлдошни хўрлаш — юз ҳисса гуноҳ. Ота-онани хўрлаш — минг ҳисса гуноҳ. Ҳўдакни хўрлаш — чексиз гуноҳ.

● Иш кўплиги-ю, вақт йўқлигидан нолиманг. Вақт кўплиги-ю, иш йўқлигидан қўрқинг. Одамни аёбдор қиладиган нарсаси — беҳорчилик.

● Ҳатто бўлбўл ҳам бола очгандан кейин сайрашни бас қилиб, полапонларига емиш ташийди.

● Эрталаб турганимда, кундузи юрганимда, кечаси ухлаганимда ҳеч қаеринг оғримас, шунинг ўзи бахт.

● Ақл билан мансабга эришиш мумкин, аммо мансаб билан ақлга эришиб бўлмайди.

● Дунёда мукаммал нарсаси йўқ. Ҳатто муҳаббат деб аталмиш олий туйғуда ҳам адолатсизлик бор. Ким қаттиқроқ севса, ўша кўпроқ изтироб чекади.

Ўқир Хошимовнинг «Дафтар ҳошиясидаги битиклар» китобидан

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 5 декабрь кунги Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-2 даража совуқ, кундузи 9-11 даража илқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларда туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2 даража совуқ, 3 даража илқ, кундузи 7-12 даража илқ бўлади.

Республикаимизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, баъзи жойларда ёғингарчилик бўлиб, туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2-7 даража совуқ, кундузи 2-7 даража илқ бўлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Ғайрат

ШЕРАЛИЕВ

Хафтанинг

чоршанба ва

шанба кунлари

чиқади.

10 969 нусхада

чоп этилди

Қабулхона:

Бош муҳаррир ўринбосари:

Масъул котиб:

Бўлим муҳаррирлари

Шартнома ва эълонлар:

Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

71 233-64-95, 71 233-58-85 (факс)

71 233-70-10

71 233-55-38

71 233-38-23, 71 233-48-08

71 233-65-59

71 233-54-10

Чирчиқ шаҳри, "Маърифат" маҳалласидаги 55-кўп қаватли уйда яшай-миз. Анча йиллардан буён толаримиздан чакка ўтиб, қийналардик. Ҳар қанча мурожаат қилсак ҳам, мутасадди ташкилотлардан ёрдам ололмадик.

ГАЗЕТАДА ЧОП ЭТИЛГАН...

мутасаддилар чоғиб қолишди

Аслида қишга тайёргарлик ёз фаслида амалга оширилмайдими? Шу ишларга масъул мутасадди идораларнинг иш режалари йўқми? Агар ҳар бир масъул шахс ўз вазифасини вақтида, виждонан бажарса, муаммолар жойида ҳал этилса, ортиқча овозагарчиликлар бўлмасди-ку?!

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузурда жамоатчилик назорати гуруҳи ташкил этилибди. Гуруҳ вакиллари келиб, аҳолимизни ўрганишди. "Тошкент ҳақиқати"

газетасида муаммоларимиз тилга олинган "Уйлар ҳам, муаммолар ҳам "кўп қаватли" номли мақола эълон қилинди. Шундан кейингина, биздан "хабар" олишди, ишларимиз бирин-кетин ҳал бўла бошлади. Уйимизнинг томи ёпилди. Хонадонларимизга фойз кириб, беҳавотир яшай бошладик.

Бизга ёрдам берганларга раҳмат.

Хурмат билан, маҳалла фуқаролари номидан
"Маърифат" МФЙ раиси
А. МАХСУМОВ

Муталаа завқи...



Мансур ХИММАТОВ олган сурат

«АГМК» СУПЕРЛИГАДА ҚОЛДИ

Кеча Суперлиганинг кейинги мавсумига йўлланма учун плей-офф ўйинлари доирасида Олмаликнинг "АГМК" ва Фарғонанинг "Истиқлол" жамоалари ўзаро беллашдилар.

Тошкентдаги "Локомотив" стадионида ўтган ўйинда олмаликликларнинг қўли баланд келди.

Кутилганидек, биринчи бўлимдақ устунлик "АГМК" жамоаси томонида бўлди. Бироқ, дарвоза олдида хавфли вазиятларни вужудга келтиришда фарғоналиклар фаолроқ кўринишди. Бўлим ўрталарида водийликлар гол уриш учун жуда қулай имкониятга эга бўлишди.

Иккинчи бўлим ҳам олмаликликлар фаоллиги билан бошланди. Кетма-кет уринишлар, нихоят, 75-дақиқа-

га келиб ўз самарасини берди. Жасур Ҳасановнинг бурчакдан узатиб берган түпини Владислав Касминин боши билан дарвозага аниқ йўллаб, беллашувда ҳисобни очди. Бу гол ўйин тақдирини хал қилди.

Мазкур ғалабадан сўнг Ўзбекистон кубогини соҳиблари кейинги мавсумда ҳам Суперлигада уйнаш ҳуқуқини кўлга киритишди.

Ўз мухбиримиз

Юлдузларни сайқалловчи шамол

Кўргазма

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида расом Хуриш Зиеҳоновнинг "Юлдузларни сайқалловчи шамол" номли шахсий кўргазмаси очилди.



Фарзанд тарбияси жамоавий иш ҳисобланиб, ота-она бу жамоада муҳим ўрин тутди. Оила — бола — ўқитувчи — комил шахс тарбияси учбурчагини ташкил этаркан, бугун мактаб ва коллежларда ҳамкорлик ишлари қандай олиб борилаётгани, деган савол барчамизни қизиқтириши табиий.

Ҳеч бир замонда болалар тарбиясига иккинчи даражали масала сифатида қаралмаган. Айниқса, бе-дарвоза ахборот хуружлари кучайган ҳозирги пайтда фарзандларимизни ўз ҳолига ташлаб қўйлабмаймиз. Эътибордан четда қолган бола ўқишдан, яқинларидан кўнгли совиб, тушқунликка тушади. Фойдасиз юмушлар билан вақтини ўтказиш, ҳатто турли номақбул ишларга қўл уриши ҳам ҳеч гап эмас.

Қани, айтинг-чи, бугун ўқишга бормай, сабабсиз дарс қолдирган боладан нима кутиш мумкин? Мактаб ва коллежларда ўқувчилар давомати қандай аҳволда?

Касбимиз юзасидан бир неча йил олдин Тошкент туманидаги Кенсой агросаноат ва бизнес касб-хунар коллежиди ўқувчилар давомати 50-55 фоизни ташкил этганига ғувоҳ бўлган эдик. Сабабсиз дарс қолдираётган ўқувчиларнинг ота-оналари билан суҳбатлашганимизда: "Қаерга борсанг, бор, кимга айтсанг, айт, боламни ўқишга юбормайман. Ўқиб шахар олиб берамиди?", "Уйимизга қизимизни сўраб совчилар келаяпти. Бўй етган қизни ўғил болалар билан бирга ўқишига йўл қўймай-миз. Шунинг учун коллежга бормай-ди", деганлар, иқтисодий тақчилликни рўқач қилганлар ҳам бўлганди. Ҳозир яна шу коллеждамиз.

— Бугунги кунда ўқувчилар даво-

мати 93-95 фоизни ташкил этмоқда, — дейди коллежнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Малика Расулова. — Сабабсиз дарс қолдирадиган ўқувчилар йўқ ҳисоби. Бунга асосан ота-оналар, маҳалла ва вояга етмаганлар комис-

дан ортиқ чемпион ёшларимиз коллежимиз фахри. Арзоналаштирилган нархда автобус қатнови йўлга қўйилган. Ҳар сешанба ва жума кунлари ўқувчиларни музейларга бепул экскурсияга олиб борамиз. Маҳалла маслаҳатчиси Рая Дананова ҳар куни

натижалар қайд этилмоқда. Бунда, албатта, коллежнинг тажрибали директори Саодат Усмонованинг ҳиссаси катта. Унинг қаттиққўл ва талабчанлиги нафақат ўқувчилар давоматида, балки ўқув самарадорлигида ҳам ўз аксини топмоқда. Мун-

Назорат

Ҳар соҳада глобаллашув жараёни кучайиб, ахборот хуружлари авж олган бугунги замонда ёшлар масаласига эътиборсиз қараб бўлмайди. Ёш авлод тарбиясига бефарқлик келажакка, эл-юрт тақдирига бефарқликдир. Тарбия жараёнида адабиёт эса том маънода фожиа. Эртанги кунимиз, келажакимиз фожияси.

БОЛАНГИЗ ҚАЕРДАЛИГИНИ БИЛАСИЗМИ?

сиясининг ҳамкорлигида эришяямиз. Ота-оналар ва ўқувчилар ўртасида олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишлари, коллежда яратилган шарт-шароитлар, дарсдан ташқари тўғрақ машғулотларининг мун-

ўқувчилар давомати билан қизиқади. Гуруҳ раҳбарлари ўқув машғулотларидан сўнг ўқувчиларнинг оилави шариоитини ўрганиб, дарсга келмаган боланинг уйига, албатта, бориб, сабабини ўрганади.

— Ҳар куни дарсга қўнғироқ чалингандан сўнг биринчи соатнинг дастлабки 10 дақиқасида коллежлардаги кунлик давомат аниқланади, — дейди Тошкент тумани коллежлари бўйича координатори Дилдора Нигматуллаева. — Ҳамкорликда қилаётган ишларимиз самара бериб, ҳозир коллежларда аҳоли яхши томонига ўзгарган. Мисол учун, ўқув йили бошидан шу даврга қадар туманимиздаги маънавий хизмат ва тадбиркорлик касб-хунар коллежиди юқори

тазам дарс қолдирадиган ўқувчиларнинг ота-оналари билан олиб бориладиган таълим ишлари самара бермаганида, уларга нисбатан жарима жазоси қўлланилди ва ушбу масалага ечим топилди.

"Мақтанганнинг уйига бор..." деганларидек, раҳбарнинг гапига унчалик ишонқирамай мазкур коллежга бордик... Ва деярли барча гуруҳларда давомат яхши эканига ғувоҳ бўлдик.

— Коллежимизда турнир хизмати жорий этилгани ота-оналар билан яқиндан ҳамкорлик қилишимизда кўл келаяпти, — дейди С. Усмонова. — Турнир орқали ўқувчилар коллежга келган ва кетган вақти ҳақида ота-онасига смс хабар юбориладди. Ўқувчи коллежга келмай туриб, ота-онасига ўқишдан, дея ёлғон маълумот беролмайди.

Дарвоқе, мактаблардаги давомат-

лар ҳусусида гап кетганида ҳамон қўшиб ёзишлар учраб тургани ҳақида эшитиб қолаёلمиз.

Ўқитувчи давоматни аниқлаш учун бугун дарсда ким қатнашаётганини сўраса, ўқувчилар: "Фалончиларни "йўқ" қилмас экансиз. Синф раҳбаримиз тайинладилар", дейишади. Сабаби, давомат паст бўлса, синф раҳбарига, директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарига "гап тегади-да".

Синф раҳбарининг илтимосига кўра, ўқитувчилар дарсга келмаган ўқувчини "йўқ" қилмади ҳам дейлик, бу билан ким кимни алдаётми? Шу кунги ўқув режасига кўра ўқувчилар назорат иши, диктант ёки иншо ёзишлари керак бўлса, келмаган ўқувчилар учун ким қозғ қоралайдими? Бир ёлғоннинг кетидан иккинчиси урчиқди. Қайсидир ўқувчи дарсда қатнашаётган ўртоғи учун жавоб варақаси тўлдирди. Ёки бугун дарс қолдирган ўқувчи эртаси кунги бир кун олдинги сана билан назорат ишини "қўчириб" беради.

— Фарзандларим шу тумандаги 13-мактабда ўқийди, — дейди ўзини Маъсуда Иноятнова деб таништирган опа. — Бугун қизим дарсга борман эди, синф раҳбари Лайло Раҳмонова телефондаги суҳбатимизда ҳам қаноатланмай, уйга келди. Қизим билан бирга мактабга бориб, "Тушунтириш хати" ёздим. Бу ҳол бошқа тақрорланмайди.

Фарзандларимиз таълим-тарбияси йўлида қилган ҳар бир эзгу ишимиз, у хоҳ катта бўлсин, хоҳ кичик, бесамар кетмайди. Зеро, кўчага чиққан бола билан кўчага ташлаб қўйилган боланинг орасида катта фарқ бор.

Азиза ҲУСАНОВА